
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХИТОЙНИНГ HENAN RUI TE THERMAL PIPELINE TECH CO.,LTD КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг Henan ruite thermal pipeline tech Co.,Ltd компанияси директори Ю Лукун бошчилигидаги компания вакилларини қабул қилди.

Учрашувда Хитой компанияси томонидан вилоятимизда иситиш тизимида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда хитойлик ишбилармонлар ўртасида кўп тармоқли ҳамкорлик олиб борилаётганини қайд этган вилоят раҳбари, ушбу йўналишда амалга ошириладиган лойиҳалар нафақат Фарғона учун балки бошқа ҳудудлар учун ҳам долзарб аҳамият касб этишини билдирди.

Меҳмонларга вилоятдаги иссиқлик тизими ҳақида маълумотлар берилди.

Хитой компанияси раҳбари Ю Лукун иситиш тизимида зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш бўйича амалга ошироқчи бўлган режалари ҳақида маълум қилиб, бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган масалалар юзасидан тегишли маълумотлар олди.

Учрашувда ишлаб чиқариш учун керакли бўлган маҳсулотлар рўйхати шакллантирилиб, уларни вилоятга олиб келиш билан боғлиқ ташкилий масалалар бўйича ҳам ҳамкорликда иш ташкил қилишга келишилди.

2024-10-08 09:13:11